МИНТАҚА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИНИНГ НОАНИҚЛИК ШАРОИТЛАРГА МОСЛАШУВИ МУАММОСИ

М.Қ.Ниязимбетов
ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот институти
https://doi.org/10.5281/zenodo.14191976

Бугун инсоният мураккаблик, ноаниқликлар ҳукимрон даврда яшамоқда. Ноаниқликлар ҳар қандай тизимга номаълумликларни, башорат этиш мумкин эмасликларни олиб келади. Мамлакатнинг иқтисодий тизими қанчалик ноаниқликларга мослашувчан?, Мослашувчанлик нима учун зарур? Мослашувчан иқтисодий тизим модели нима учун керак? Ва шунга ухшаш саволларга жавоб беришни тақоза этади. Мазкур мақолада иқтисодий тизимнинг ноаниқликларга мослашувининг назарий жиҳатлари таҳлил этилади.

Биз биламизки ноаниқлик мураккабликнинг асосий хусусиятларидан бири.

Масалан, муаллифлар ноаниқликнинг иккита моделини ажратади: 1) ноаниқлик - аниқ эмаслик сифатида: 2) ноаниқлик – бохабарлик сифатида. Биринчи моделда ноаниқлик эҳтимолий меъёрнинг номаълумлиги назарда тутилса, иккинчи моделда эса ҳодисаларнинг бутун фазоси номаълумлиги сифатида олиб қаралади [1, 83-103].

Адабиётларда ноаниқликнинг эпистимологик ноаниқлик ва онтологик ноаниқлик турлари ажратиб кўрсатилади. Эпистимологик ноаниқлик Кейнс, Мизес, Найт фикларича, “бизнинг билимларимизнинг чегаранганлиги”, “танлаш эркинлигининг мавжудлиги шарти”дир, ноаниқлик – келажак ҳақидаги билимсизлик ҳисобланиб, бу ўз навбатида кишиларнинг ҳаракат хоҳиш-истаги, таваккалчиликка бориши, янгиликни очишга интилиши сингари фактлар билан боғланади [2, 63]

Демак, хулоса чиқариш мумкинки, эпистимологик ноаниқлик тизим ҳақида ахборотнинг нотўлиқлиги билан боғлиқ. Сабаби, “тизим қанчалик мураккаб бўлса, у шунчалик кўп ахборот муқдорига эга бўлади”[3, 103]. Яъни, ахборотга бойдир. Тизим ҳақида ахборотлар муқдори қанчалик аниқланса, ноаниқликлар маълум бўлади. В.Ю. Колмаков тўғри таъкидлаганидек, “ахборот ноаниқликни камайтириш меъёридир”[4, 108].

Адаптация муаммоси жаҳон илмий ҳамжамияти томонидан глобал муаммо сифатида диққат қаратилмоқда. Бунга мисол сифатида 2010 йил иқлим ўзгаришларига мослашув зарурияти ҳақида хабордор бўлишни ошириш учун Глобал адаптация институти очилди. Бу институт томонидан ишлаб чиқилган Глобал адаптация индекси (GaIn) мамлакатнинг иқлим ўзгариши тасирларига қарата зайфлигини ва унинг мазкур таъсирларга чидамлилигин ошириш учун чора тадбирлар кўришга тайёрлигини ўлчаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Глобал адаптация муаммоси институти берган хулосаларга кўра ҳозир тез-тез иқлим ўзгариши сабабли, кўплаб мамлакатларда таъсирни юмшартиш чоралари аниқ етарли эмас (Х.Х. Дабуб). Масалан, индекс бўйича Россия давлатининг зайфлигини қўйидаги омиллар билан боғлайди: Ҳозирги вақтда Россия озиқ-овқат ва сув ресурслари сингари соҳаларда айниқса зайф деб кўрсатилади. Инвестицион капитал ҳаракатининг чекланганлиги ва мамлакатдаги коррупция даражаси Россиянинг адаптация билан боғлиқ муаммоларини ечиш қобилиятига тескари таъсир кўрсатиши мумкин - деб таъкидлайди.

Нима учун адаптация зарур?-деган савол тўғилиши табиий.

Адаптация тизимга таъсир қилувчи келажак ҳавфлардан қочишга ёрдам беради. Адаптация - мавжуд ҳавфларнинг тизимга салбий таъсирларини қисқартириши мумкин. Адаптациянинг моҳияти - бу тизимнинг ташқи муҳитнинг ўзгаришларига ва кутилмаган ҳодисаларга муносабатда унинг барқарорлиги ва тизимнинг ўзгарувчи дунёга мослашув қобилияти бўлиб хизмат этади. Адаптациянинг инсон фаолиятидаги фундаментал роли ҳақида Ф. фон Хайек, «инсон фаолияти тузулмаси тўлиғи билан ҳеч кимга номаълум миллионлаб фактларга ҳамма вақт мослашувчан бўлиб туриши ва мослашув орқали функционллашувини таъкидллайди.

Адаптация иқтисодиётнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланиб, иқтисодий субъектларнинг ўзгарувчан ташқи ва ички шароитларга фаол мослашуви орқали равожланиш қобилиятини характерлайди Иқтисодий адаптациянинг назарий-методологик жиҳатларини тадқиқ этиш, иқтисодий субъектлар ва мамлакатнинг ташқи муҳит шароитларини таҳлил этиш ва баҳолаш, базор имкониятларини аниқлаш, шунингдек ҳавф-хатарларни бошқариш ва уларга адекват жавоб бериш қобилиятини оширишга хизмат этади.

Иқтисодиётда адаптация кўпинча иқтисодий тизимнинг ва унинг элементлари бўлган субъектларнинг муҳитнинг ўзгаришларига, жумладан, ишлаб чиқариш, меҳнат, экология, технология ва ҳаётнинг ўзгарувчан шароитларига мослашуви тушунилади. Бунда ижтимоий-иқтисодий тизимнинг кичик тизимлари, унинг элементлари ва қисмлари муҳитнинг ўзгаришларига мос трансформация бўлиш жараёнларини ўз ичига олиши мумкин.

Муаллиф иқтисодчиларнинг тор доирасида маълум бўлган ғояни баён этиш орқали, иқтисодиётнинг адаптив бўлиш лозимлигин – ўзгарувчан ташқи шароитларга тезкор ва самарали мослашувга қодир эканлигини таъкидлаб ўтади. Мазкур талаб муаллиф назарида, глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятлари ва миллий иқтисодиётнинг ўзаро алоҳадорлигини кучайиши билан боғлиқ,-деб кўрсатади [5, 7]. Дарҳақиқат, адаптация – бу тизимнинг янги шароитларда омон қолиш, тизимни сақлаб қолиш талаби билан чамбарчас боғлиқ.

Тизимнинг бундай «адаптацион қобилияти умумтирикликнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, унинг яшаш имкониятини ва организмларнинг кўпайиш қобилиятини таъминлайди»[6, 64].

Адаптация тушунчасини баҳолашда кўйидаги умумий ҳолат ҳисобга олинади:

1. Адаптация жараёни ҳар вақтда иккита тизимнинг ўзаро таъсирини ўз ичига олади.

2. Бу ўзаро таъсир муайян шароитларда – тизимлар орасидаги мувозанат, номутаносиблик шароитида ривожланади.

3. Бундай ўзаро таъсирнинг асосий мақсади тизимлар орасидаги қандайда бир координацияни ўрнатиш, сабаби уларнинг даражаси ва табиати катта фарқ этиши мумкин.

4. Мақсадга эришиш ўзаро таъсир этувчи тизимларда муайян ўзгаришларни ўз ичига олади [7].

Демак, адаптация иқтисодий тизимнинг сақланишини таъминлайдиган объектив зарурий талаби бўлиб, бу иқтисодиётнинг ўз ўзини ўзгартириши ва ўз ўзини ривожлантириши, барқарорликни ва ташқи муҳит билан маълум даражада динамик мувозанатни сақлашга асосланади. Тескари ҳолатда иқтисодиёт субъектлари эскича тажрийбалар, стандартлар, стеоретиплар асосида фаолият юритиши, унинг инерциясини намоён этади. Бу ўз навбатида, ташқи муҳитнинг (ижтимоий, технология, инновация, табиий, иқлим ўзгаришлари ва ҳ.к.) ўзгаришларининг янгича талаблари билан иқтисодиёт

субъектлари қарашлари орасидаги зиддиятни келтириб чиқаради Бу зиддиятни ечиш учун иқтисодий тизимнинг адаптациясига тескари таъсир қилувчи омилларни йўқ этиш талаб этилади.

Демак, иқтисодий адаптация – чекли ресурслар, ноаниқликлар шароитида, иқтисодиётнинг фаолият этиши тузулмасини ва усулларини ўзгарттириш жараёни ҳисобланади.

Шуни ҳам алоқида таъкидлаш керакки, минтақанинг иқтисодий ўсишида ва мослашувида, унинг адаптацион потенциалини ва минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олишни тақоза этади [8, 3-10].

Иқтисодиёт субъектларнинг янгича ноаниқ ўзгаришларга мослашуви учун улар кўйидаги талабларга жавоб бериш талаб этилади:

1. Иқтисодиёт субъектларининг потенциали;
2. Иқтисодиёт субъектларнинг инновацияларга ошиқлиги;
3. Иқтисодиёт субъектларнинг инвестицияларга ошиқлиги;
4. Давлат томонидан қуллаб-қувватлаш;
5. Синергияга интилиш қобилиятини ошириш.
6. Иқтисодиёт субъектларнинг адаптив интеллект даражасининг ўсиши.
7. Ҳавф-хатарлар, ноаниқликларга бардошлиги ва уларни ижобийга айлантириш қобилияти.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий тизимнинг янги ноаниқликларга мослашуви учун, унинг эгилувчанлиги, очиқлиги, янгиликларни қабул қилиши, структуравий ўзгшарувчанлиги, муҳитнинг структураси билан мувофиқлиги билан тавсифланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Светлова Е., Х. ванн Элст. Феномен неполного знания будущего в экономической теории // Вопросы экономики. 2013, №8. – С.83-103.

2. Макашева Н. Неопределенность, вероятность, этика: Дж. М. Кейнс, Л. Мизес, Ф. Найт. // Вопросы экономики. 2013, №10. -С. 63.

3. Колмаков В.Ю. Информация, информационность, виртуальность. – Изд-во СибГТУ, Красноярск 2004. –С. 103.

4. Колмаков В.Ю. Информация, информационность, виртуальность. – Изд-во СибГТУ, Красноярск 2004. –С. 108.

5.Кажыкен. М. Модель адаптивной экономики. – Астана: ТОО «Профмедиа Астана», 2018. -С.7.

6. Общая экология: Учебник для вузов /Автор-составитель А.С. Степановских. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. -С.64.

7. Капустян Л.А. Теоретические проблемы адаптации социально-экономической системы региона к изменяющимся условиям функционирования.// https://cyberleninka.ru/article/n/teoreticheskie-problemy-adaptatsii-sotsialno-ekonomicheskoy-sistemy-regiona-k-izmenyayuschimsya-usloviyam-funktsionirovaniya.

8. Аимбетов Н.К. Адаптационная модель развития региона на основе комплексного освоения ресурсного потенциала. //Экономика и финансы. 2020, 4(136).